



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
17 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 100
(12.111)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



Шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р. Қ. Холматовни Тошкент вилояти ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Рустам Курбонназарович Холматов Тошкент вилояти ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 16 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

З. К. Ниязовни Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Зиявуддин Кучкарович Ниязов Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 16 декабрь.

Тошкент вилоятининг ҳоқими Рустам Курбонназарович ХОЛМАТОВ

1961 йили Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилган. Ўзбек, маълумоти олий, Тошкент халқ ҳўжалиги институти тамомлаган. Мутахассислиги – иқтисодчи.



Мехнат фаолиятини 1977 йили Оққўрғон тумани "Оққўрғон" давлат ҳўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 1995 йилгача мазкур ҳўжаликда иқтисодчи, катта иқтисодчи, бош иқтисодчи бўлиб хизмат қилган. 1995-2003 йиллар мобайнида Оққўрғон тумани ҳоқимининг биринчи ўринбосари, Чиноз тумани ҳоқими, Тошкент вилояти ҳоқимининг биринчи ўринбосари – вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, 2003 йилдан Куйичирчиқ тумани ҳоқими лавозимида ишлаб келган.

Р. Холматов 2008 йил 16 декабрь куни Тошкент вилоятининг ҳоқими этиб тайинланди.

У Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Куйичирчиқ туман кенгашиари депутати.

Тошкент фотосуратлар уйида "Маҳалладан бошланур Ватан" мавзуда фототанлов ўтказилди. Тадбир республика Оксоколлар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилди.

МАҲАЛЛА КОТИБИ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Танлов ёшлар тарбияси, маҳаллалар ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва уларни мустақаллаш, кучли ижтимоий сўбатини амалга ошириш, шунингдек, ёшлар шуурида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, юрт шайини улуғлаш каби фазилатларни шакллантиришда маҳалланинг ролини тарғиб этишда профессионал фотографларнинг ролини ошириш ҳамда фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Танловга Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Тошкент, Бекobod, Қибрай ҳамда Янгийул туманларида яшовчи фотосуратларни тақдим этишди. Қувонarli жиҳати шундаки, республика босқичида бекobodлик вақилимиз – "Ўзбекистон" маҳалласи фуқаролар йиғини масъул котиби Султонбой Дехқонов "Маҳалла-маънавият ўчоғи" туркумидаги фотосуратлари билан олий мукофот – Гран-при соҳиб бўлиб, танлов ташкилотчилари томонидан махсус диплом ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. **Ўғил ўРОЗОВА,** "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассиси.

ВИЛОЯТ ҲАҲИТИ

КўНГИЛЛИ САЁХАТЛАР

Пискент туманида ўқувчиларни мамлакатимиз шаҳарлари, тарихий ёдгорликлар ва осоратиқалар билан таништиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун Тошкент шаҳрига уюштирилган саёхатлар, айниқса, кўнгилли ўтмоқда. Ҳозиргача 820 бола шундай сафарда бўлди. Мустиқиллик майдони, музейлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари уларда катта таассурот қолдирди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР БЕЛЛАШАДИ

Юқоричирчиқ туманидаги қурилиш ва иқтисодий касб-ҳунар коллежиди ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ташкил этилди.

"Ёш юристлар" жамоаси Жумабозор педагогика коллежининг "Адолат" жамоасига қарши саҳнага чиқиб, барча шартларни аъло даражада бажарди.

Ғолиб жамоага фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ТАҚДИМОТИ

Тошкентда КА DATA автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилди.

Учрашувда мазкур янги ишланма мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса экани таъкидланди. Бугунги кунда республикамизнинг барча худудларида ташкил этилган 14 ахборот-кутубхона ва 1150 дан ортиқ ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси замонавий компьютер техникаси, энг янги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, "ZyONET" ахборот-таълим тармоғига уланган. Ҳозир олис аҳоли пунктлари учун мўлжалланган кўчма кутуб-

хоналар – библиобуслар ҳам ташкил қилинмоқда. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази мутахассислари кутубхона маълумотларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқди. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказидан КА DATA лойиҳаси раҳбари Дилмурод Каримбердиевнинг таъкидлашича, дастурий таъминот (ДТ) ўзбек ва рус тилларидаги интерфайсли электрон кутубхоналар тизимини кучайтиришга хизмат қилади.

Янги дастурий маҳсулот наشرларининг турли хил ва шакллари тавсифлаб беради, яъни электрон каталог яратди, китоблар қидирувини амалга ошириб, китоб фонди ҳисоботини тузади. КА DATA ёрдамида кутубхонага келтирилаётган адабиётларни қайта ишлаш, уларни ҳисобга олиш, рецензиялаш, китобхонларга бериш, уларни қайтариш жараёнини кузатиш имкони пайдо бўлади. Ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиш осон ва қулай бўлгани боис уни ҳар қандай кутубхонада қўллаш мумкин. Дастурий таъми-

нотни амалга оширишда илованинг фаолият кўрсатишига ёрдам берадиган миждо-сервер архитектурасидан фойдаланилди. Янгилик, шубҳасиз, аҳолининг барча қатламларига жаҳон илм-фани ва маданияти дурдоналаридан фойдаланиш имкони беради. Бундан ташқари, у китобхонларга хизмат кўрсатиш, китоб бериш, кутубхонага келиш бўйича статистика маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларини энгиллаштиради.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА МУҲБИРИ.

Ислохот қирралари

ҲАР ҚАДАМДА ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ

Вилоят шаҳар ва туманларида нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисосланган янги, замонавий корхоналар барпо этиш, турли мулк шаклида фаолият юритаётган мавжуд нон ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

2008-2010 йиллар орасида 11 та ана шундай корхона реконструкциялаш кўзда тутилган. Жумладан, "Чирчиқ-нон" очик акциядорлик жамияти, Куйичирчиқ туманидаги "Ал-Абдусалом" хусусий фирмаси, Зангиота туманидаги "Асатилланон" масъулияти чекланган жамияти белгиланган муддат ичида ўз фаолиятини тубдан ўзгартиради.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу корхоналарни қайта қуриш ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланади. Шу маблағларнинг асосий қисмини, яъни миллиард сўмга яқинини ўзимизнинг банклар кредит сифатида ажратади.

Белгиланган режаларни муваффақиятли амалга ошириш, мутахассисларни ҳозирнинг ўзида мавжуд бўлган замонавий ускуналар ҳамда кенг қўламли бошлан-

ган модернизация ишларининг мақсад ва вазифалари билан атрофича таништи-

риш мақсадида Янгийул туманидаги Халқобод шаҳарчасида жойлашган "Мазалинон" масъулияти чекланган жамиятда кўчма машғулот-кеңаш ўтказилди. Тадбирда нон заводларининг 70 га яқин раҳбар ва мутахассислари, шунингдек, вилоят ҳоқимининг қарорига муво-

фиқ нон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ишларига бошчилик қилиш вазифаси юклатилган "Тош-вилоятматлботинвест" давлат унитар корхонаси вакиллари иштирок этди. Машғулот-кеңаш қатнашчилари чет эл сармос-



дорлари маблағи ҳисобига барпо этилган замонавий корхонанинг бугунги фаолияти билан атрофича танишдилар, нон-булка маҳсулотлари сифатини ошириш масалаларини муҳокама этдилар, ўзлари тўплаган бую тажрибани ўртоқлашдилар.

Тармоқда амалга оширилаётган бугунги ислохот ва янгилашиллардан асосий мақсад – деда машғулот-кеңаш қатнашчиси, вилоят ҳоқимлиги мутахассиси Маҳмудхон Икромов, – нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги маънавий эскирган технология ускуналарни модернизациялаш ва янгиликка алмаштириш ҳисобига минтақа аҳолисини юқори сифатли нон-булка маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш, давлат захиралари, энергетика ҳамда хом

ашё ресурсларини тежаб-тергаб ва аниқ мақсад йўлида ишлатиш, шунингдек, ҳам истеъмолчиларнинг, ҳам нон ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдир.

Маълумки, мамлакатимизда нон хамиша эъзозланиб, тўқлик ва фаровонлик рамзи сифатида қадрлаб келинган. Нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш бўйича бошланган кенг қўламли ишлар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, турларини яқлайтириш ва сифатини яхшилаш йўлида кенг имкониятлар яратди.

СУРАТАЛАРДА: машғулот-кеңаш жараёнидан лавҳалар. **Сергей ЛЕВЧЕНКО** олган суратлар.



2008 йил - Ёшлар йили



Ислохот самаралари

ЯНГИ АВЛОД КАМОЛ ТОПМОҚДА

Ёшлар йили туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда. Бугун шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларимизда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳар иккинчиси ёшлардир. Ингит-қизлар коллежларда касбларни пухта эгаллаб, мустақил ҳаётга дадил кириб келмоқдалар. Улар учун янги иш ўринлари яратилаётган. Кейинги уч йилнинг ўзига туман халқ хўжалигида ишловчилар дээрли 2100 кишига кўпайди.

Ходимларнинг касб малакаси ортиб бораётганлиги улар янги техника ва технологияларни қисқа муддатда эгаллаб олишларига ёрдам бераётган, модернизациялаш жараёнларини тезлаштираётган. Натижада меҳнат унумдорлиги кўтарилди, янги маҳсулот ҳажми ортиб бормоқда. Хозирги пайтда янги ички маҳсулот 30 миллиард сўмликка етди. Агар икки йил илгари бу кўрсаткич 16,8 миллиард сўм бўлгани эътиборга олинса, ўсиш суръати яққол кўзага ташланади.

Сўнгги уч йилда туманимизда хўжалик юритувчи субъектлар 1083 тадан 2440 тага кўпайди. Унинг таркибиде кичик корхоналар етакчи ўринга чиқиб олди, кўшма корхоналар кўпайиб бормоқда. Ёшлар йилининг 9 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўсиш суръати 124,8 фоизга етди. Бу жараён санатда, айниқса, жадал тус олиб, 138,5 фоизга кўтарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда эса, 157,6 фоиз ўсишга эришилди.

Хозирги пайтда туманимизда ўнга кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар тўққиз ойда 14 миллиард 12,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. "Конвин", "Бўстонликсут", "Голденвинг", "Газалкент ойна", "Газалкент агромир" кўшма корхоналари иқтисодиёт тараққиётига, айниқса, салмоқли ҳисса қўшапти.

Айни шу жиҳат туманимиз экспорт салоҳияти кўтарилиб боришига хизмат қилмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида шуни айтиш қиёоски, экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 марта ошди.

Курилиш тобора жадал тус олаётган. Тўққиз ойда 18 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Курилиш ташкилотларимиз ўз кучлари билан адо этаётган пудрат ишлари дээрли 13 миллиард сўмга етгани, бу соҳадаги ўсиш суръати 142 фоизни ташкил этгани, айниқса, қувончли.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси жадал кўтарилмоқда. Хозирги пайтда 2300 та шундай субъект рўйхатга олинган. Уларни ривожлантириш мақсадларига шу йилнинг ўзига 16,6 миллиард сўмдан кўпроқ кредит ажратилди.

Ишлаб турган 2105 та кичик бизнес корхоналарининг тўққиз ойдаги умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 64,6 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиётдаги бу юксалиш ижтимоий соҳалар тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, таълим, маданият ва спорт ишлари ривожланиб бормоқда. Ёшлар йилида кишлоқ врачлик пунктлари 20 тага етказилди. Улар янги, замонавий тиббий техника ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Хозирда энг чекка кишлоқларимизда ҳам аҳоли малакали тиббий хизмат билан камраб олинди.

Халқ таълими соҳасидаги натижалар фарзандларимизга чуқур билим бериш, уларнинг умуминсоний кадрлар руҳида тарбия олишларини таъминлаш имконини бераётган. Туманимизда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг фарзандлари ўз она тилларида ўқитилмоқда. Дарс машғулоти ўзбек, рус, қозок, тожик ва қирғиз тилларида олиб борилаётган. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури изчил бажарилиши натижасида давлат таълим андозаларини татбиқ этиш кўлами кенгайиб бормоқда. Миллий истиқлол ғоясини ёш авлод қалбига сингдириш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни кучайтириш таълим муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларига айланган. Натижада, ҳар жиҳатдан билимдон, иқтидорли, ўз куч-ғайратини ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга, она-Ватан равақига хизмат қилдиришга иштиёқманд янги авлод камол топаяпти.

Абдухамид АБДУЖАМИЛОВ, туман ҳокими ўринбосари.


Бўстонлик тумани:

КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ

ТАРАҚҚИЁТДА

- Тумандаги 3 та шаҳарча ва 45 та қишлоқда 147 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг ярмидан кўли болалар ва ёшлар.
- Болаларга 21 та боғча, 52 та мактаб ва 4 та коллежда таълим-тарбия берилаётган.
- Тўққиз ойда 157,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, турли хизматлар кўрсатилади.



СУРАТАЛАРА: мактаб директорининг ўринбосари Исмон Зиккаев (ўнган) ёш ўқувчилар Раҳбар Ҳайдарова, Муҳабб Нисметова, Курбонбуви Маҳамедовалар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш хусусида суҳбатлашмоқда; ёшлар марказининг курилиши; «Усунаотқурилишбанк» туман минибанки ходими Динора Расулова иш устида.

ҲАЁТ ФАРОҒАТИ СОҒЛИҚ БИЛАН

Инсон наздида саломатлик баҳоси йўқ неъмат. Зеро, соғлиқ бўлмаса, на фароғат ва на ҳамама татийди. Ёшлар йилида эл саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий маданият даражасини оширишга эътибор кучайтирилди.

ИСТЕЪДОД: БАҲСЛАРДА КАШФ ЭТИЛАДИ

Болалар спорти оммавий спорт ҳаракатининг устувор йўналиши сифатида тобора яққол намоён бўлмоқда. Туманимизда бунинг тасдиқловчи мисоллар оз эмас. Ёшлар йилида халқ таълими ҳамкорлик ҳар қачонгидан кучайтирилиб, спорт базаларини кенгайтириш, уларни зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш, ёш спортчиларни чиништириш ва маҳоратини ошириш мақсадида режали иш олиб борилаётган.

Мактаблар, коллежлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, маҳаллардаги мусобақалар янги-янги истеъдод эгаларини аниқлаб олишга ёрдам бераётган. Ёшлар йилида ўқувчи спортчиларимизнинг ютуқлари, айниқса, салмоқли бўлаётган. Улар вилоят, мамлакат ва халқаро учрашувларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Чимкент шаҳрида бокс бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Анвар Ибраев соврини учун ўтказилган бу беллашувда вилоятимиз вакиллари голиб чиқиди.

Туманимизнинг ёш спортчиси Элнур Абдураимов эса, энг яхши боксчи деб эътироф этилди. Ўсмирлараро 4-халқаро хотира турнирида эса, 53-мактаб ўқувчилари Жанболат Сидиков, Жандес Тожибоев, Элхон Куролов, 33-мактаб ўқувчилари Жамшид Есимбетов ва Ержон Ундирбоев ўз вазн тоифаларида биринчи ўринларни эгаллашди. Ёш боксчиларимиз вилоят биринчилигида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. 1-, 2-, 3- ва 12-мактабларнинг 10 ўқувчиси ўз вазн тоифаларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили.

Шунқорлар ОФИЦЕРЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

Болалар ва ёшларни ҳарбий-васоит-спортив руҳида тарбиялаш янги авлоднинг камолга етказишнинг етакчи йўналишига айланган.

Хозирги пайтда 22 та мактабда чақирққа ёшларни тайёрлаш фани машғулотларини захиродаги офицер ва сержантлар олиб боришаётган. Турли макет, плакат ва бошқа ўқитиш воситалари дарс самарадорлигини оширмоқда. Мактабларда ташкил этилган "Жасорат" бурчакларида олий ҳарбий билим юртларида ўқётган, ҳарбий хизматни ўтаётган собиқ ўқувчиларнинг жанговар ҳаёти акс эттириляётган. Ҳарбий қисмлар, Чирчик Олий ҳарбий билим юртига экскурсиялар болаларда катта таассурот қолдирди. "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинлари тобора оммалашмоқда. Уруш қатнашчилари ва байналминвал жангчилар, Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари офицерлари билан учрашувлар болаларда ҳарбий касбларни эгаллашга иштиёқни кучайтираётган.

Қобилбек УСМОНОВ, захирадаги офицер.

Таълим

Фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз муваффақиятли қатнашиб, бунинг амалда тасдиқламоқдалар. Бу йил вилоят босқичида 52 ўқувчи иштирок этди. Шулардан ҳар тўртинчиси совринли ўринларни эгаллади. 41-мактаб ўқувчиси Саломат Зидинова эса, олимпиада-нинг республика босқичида тожик тили фани бўйича 2-ўринга кўтарилди.

Ҳар жиҳатдан баркамол авлодни воғга етказиш, ингит-қизларимиз ўз қобилият ва истеъдодларини тўла намоён этишларини таъминлашда таълим муассасалари, хусусан, мактабнинг ўрни ва масъулияти катта. Ёшлар йилида асосий эътибор фарзандларимиз пухта билим олишлари учун мукамал замонавий шарт-шароитларни яратиш, таълимнинг илгор усулларини жорий этишга қаратиляётган. Бу борада «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» кенг имкониятлар очаяпти. Фақат шу йилнинг ўзига Такаёнгоқ қишлоғида 46-мактаб учун 180 ўқувчига мўлжалланган янги бино қурилиб, Янги-овул, Полоняк, Боладала ва бошқа кишлоқларимиздаги сақизта мактабда қурилиш таъмирида ишлари амалга оширилди. Газалкент ва Чорбоғ ўсмирлар ижодий марказлари таъмирланди. 8-мактабда спорт зали қурилди.

Ёшлар йилида янги мулкчилик шаклидаги пудратчи ташкилотлар таълим муассасаларидаги қурилиш-таъмирида ишлари амалга қўйилди. "Крис-талл", "Акмал қурилиш-савдо", "Нурли", "Файз-Барокот" фирмалари, "Универсал қурилиш-сервис", "Истикбол", "Рамекс" масъулият чекланган жамиятларнинг қурувчилари ишларни сифатли бажариб, бутун жамоатчиликнинг тақсиринга сазовор бўлишди. Синфлар, фан кабинетлари ва лабораториялар, компьютер таълими хоналари, ахборот-ресурс марказларини энг замонавий ўқитиш асбоб-ускуналари, мебеллар билан жиҳозлаш қизгин давом этди. Ўқувчилар, барча педагогик кадрларнинг малакасини ошириш билан тобора изчил иш шугулланмоқдамиз. Хозирги пайтда умумтаълим мактабларимизда дарс машғулоти олиб бораётган ҳар тўрт устоздан уч киши олий маълумотли, юқори малакали ўқитувчилардир. Айни пайтда ўрта махсус маълумотли ёш ўқитувчилари олий педагогик таълим муассасаларида ўқитиш

ИБРАТЛИ ТАЖРИБАЛАР ДАВРИ БЎЛДИ

Таълим-тарбия иши мустақиллик йилларида бутун жамиятнинг ишига айланган. Халқимизнинг "Етти кўшни - ота-она" мақоли эндиликда моҳият жиҳатида яна ҳам кенг маъно касб этди. Болалар ўрта-сида маънавий-маърифий ишларни кенгайтиришда, уларнинг тарбиявий таъсирини кучайтиришда оила, мактаб, маҳалла, турли жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ўз самараларини бераётган. Хозир умумтаълим мактабларимизнинг 80 фоизиде шундай ҳамкорлик марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сый-ҳаракатлари билан спорт мусобақалари, турли

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиб, катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётган. Бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Шу сый-ҳаракатлар пиروвардида бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди.

БАНДЛИК: МЕҲНАТ БОЗОРИГА МАРҲАМАТ

Хусусан, Ёшлар йилида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ва асосий мақсадлари униб-ўсиб келаятган ингит-қизларга кенг йўл очиб беришга қаратилди, улар ўз иқтидорларини намоён этиб, янги жамиятнинг халқилувчи кучи ва таянчига айланиб бораётганлар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш кўзда тутилган давлат дастурининг бажарилиши бутун мамлакатимизни қамраб олган том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланган.

Марказимиз аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастур ижроси билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошираётган. Бу йилги режага асосан 1943 нафар ингит-қизни ишга жойлаштириш кўзда тутилган эди. Хозиргача 1135 ёш турли ташкилот ва корхоналарга бизнес йўлланмаси билан ишга жойлаштирилди.

Туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган "Бандлик" дастурига асосан ўтган 10 ой давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган иқсоз ўсмир ингит-қизлар учун 12 марта меҳнат бозори ташкил этилди. Унга 462 нафар ёшлар жалб этилиб, 386 киши меҳнат йўлланмаси орқали ишга жойлаштирилди.

Норали МИРЗАЛИЕВА, Бандлик қўмақлашувчи марказ раҳбари.

